



O'ZBEKISTON OVOZI

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАҚОРЛАРИГА

Кадрли дўстлар!
Она Ўзбекистонимизнинг равнақида улкан ҳисса қўшадиган, ҳар қайси оиланинг, эл-юртимизнинг ризқ-рўзини, дастурхонини тўқин қиладиган, одамларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган, миришкор деҳқонларимиз фидокорона меҳнатининг натижаси бўлмиш ғалла хирмонининг йилдан-йилга ошиб бораётгани барчамизни қувонтиради ва гурурифтхор бағишлайди, десам, сиз, азизларнинг, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламиз.

Бугун деҳқон ва фермерларимиз, барча дала меҳнатқашларининг пешона тери, оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарофли меҳнати эвазига қўлга киритилган ғалаба билан — мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этганимиз билан сизларни чин қалбимдан самимий мураббабод этиш — мен учун катта бахт.

Мана шу қувончли айёмда бу мисли кўрилмаган ютуқнинг моҳияти ва қадриятини ҳар томонлама чуқур аниқлаш учун бир вақтлар, яъни, эндигина мустақилликка эришган биринчи кунларда давлатимиз оғирларидан халқимизни боқиб унун фақатгина бир ҳафта-ун кунга етадиган ун қолганини, айтиш мумкинки, юртимиз очарчилик оstonасида, жар ёқасида турганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, қандай таҳликали ва хатарли замонни бошимиздан кечирганимиз ва бугунги кўлга киритган, ҳақиқатан ҳам буюк марраларнинг баҳоси ва аҳамияти яққол аён бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мана шундай ёруғ кунларга етказгани учун Яратганимизга минг бора шукроналар айтишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биланам.

Шу ўринда бу тарихий ютуқнинг туб моҳиятини оғиб берадиган баъзи бир рақамларни эсга олишимиз табиийдир. Бундан 23 йил олдин биз 21 миллиондан зиёд аҳолимизнинг эҳтиёжи учун зарур бўлган 5 миллион тонна ғалани четдан, катта-катта маблағлар эвазига, кимларгадир муҳтож бўлиб, ялғиниб-ёлвориб олиб келишга мажбур эдик.

Бугунги кунда эса биз 31 миллиондан ортиқ аҳолимизни ўз домимиз, ўз беиминат номимиз билан тўла таъминлабгина қолмасдан, балки чет элга ғалла экспорт қиладиган мамлакатга айландик. Утган давр мобайнида ўлкамизда ғалла етиштиришнинг умумий ҳажми 940 минг тоннадан 8 миллион тоннага етгани, ўртача ҳосилдорлик гектарига 17 центнердан 55 центнерга ўсгани бизнинг бу соҳада илгари фарз қилиш ҳам қийин бўлган, қандай улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Айнан мана шу ҳолатларни қиёсланда, юрагимиздан ўтказганда, ўйлайманки, ҳар қайси одам «Ким эдигу ким бўлди?» деган ҳаётий ҳақиқатнинг чуқур маъносини тақдор ва тақдор англайди, мустақил тараққиётнинг тўғри йўлини танлаб олганимиз, халқимизнинг фидокорона меҳнати Ўзбекистонимизни бугунги кунда ўзгалар ҳавас қиладиган босқичга кўтариш учун ҳар томонлама асос бўлаётгани ишонч ҳисл қилади.

Муҳтарам юртдошлар!
Бу йилги мавсум ҳақида гапирганда, қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилган туб ислохот ва ўзгаришлар, биринчи навбатда фермерлик ҳаракати кенг йўл очиб, унинг ривожини учун барча шароитларни яратиб берганимиз, бу ҳаракатнинг қишлоқда чиндан ҳам асосий куч бўлиб майдонга чиқётгани, фермерлар, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг танч устунига айланиб, деҳқонларимиз ўзини ерининг, мулкнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қиладигани, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусини ортиб бораётгани биз кўлга киритган улкан ютуқнинг ҳал қилувчи омилли бўлганини таъкидлаш лозим.

Ҳаммамиз шунга гувоҳимиз — жорий мавсум ўтган йилларга нисбатан осон бўлмади. Табиат ва иқлим қийинчиликлари ғаллақорларимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди. Қиш фаслида совуқ ва аёзли кунлар мезиридан ортиқ бўлгани, март-апрель ойларининг биринчи ярмида ҳароратнинг оdatдагидан кўра пасайиб кетгани, айрим ҳудудларда кучли жала ва дўл ёққани, сув тақчиллиги, шамол ва бўронларнинг салбий оқибатлари, турли касаллик ва ҳашаротларга қарши курашишга тўғри келгани — буларнинг барчаси деҳқонларимиз учун жиддий

ташвиш ва муаммолар туғдирмасдан қолмади.

Ана шундай мураккаб шароитда дала меҳнатқашлари аввало ишни тўғри ташкил этиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш, ота-болаларимизнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ғаллазорларни маҳаллий ўғит билан озиклантиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳисобидан ҳосилни сақлаб қолишга ва белгиланган марраларни эгаллашга муваффақ бўлгани ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Мавсум давомида ғаллазорларга жами 12 миллион 700 минг тонна, ҳар гектар майдонга ўртача 11 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани, деҳқонларимизнинг ҳар туп кўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилгани, ҳеч шубҳасиз, сара дон етиштиришда муҳим роль ўйнади.

Сўнги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитини, сув билан таъминлаш даражасини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилги-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, фермер ҳўжалиқларини молиявий ресурслар, авваллабор имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги зараркундаларига қарши курашиш бўйича шакллари аниқ тизим асосида самарали олиб борилган ишлар бугунги муваффақиятга пухта замин бўлганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли барча вилоятлар, жумладан, нисбатан оғир иқлим шароитида бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти деҳқонлари ҳам ғалла тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли бажаришга эришдилар. Фарғона ва Андижон вилоятларида ўртача ҳосилдорлик 62 центнерни, Самарқанд вилоятида 61 центнер, Бухоро ва Наманган вилоятларида 60 центнер, Қашқадарё вилоятида 58 центнер, Тошкент вилоятида 57 центнер, Навоий вилоятида 55 центнер, Сурхондарё вилоятида 51 центнерни ташкил этганини бу йилги мавсумнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш лозим.

Бу борада бошқаларга ўрнак ва намуна бўлган Тошлоқ, Олтириқ, Учкўприк, Вобкент, Поп, Учкўрган, Иштиқон, Гиждувон, Уйчи, Пешку, Нарпай, Пастдарғом, Пахтаобод, Қўргонтепа, Шаҳрисабз, Хатирчи, Олтинкўл, Дўстлик, Кармана, Мирзачўл, Яқабоб, Пахтақор, Навбахор, Юқоричирик, Китоё, Уртачирчиқ, Чиноз, Боёвут, Сирдарё, Денов туманларида ҳосилдорлик 60-70 центнердан ошганини таъкидлаш жоиз.

Юртимиздаги ўнлаб фермер ҳўжалиқларида гектаридан 90-100 центнердан ҳосил олингани деҳқонларимизнинг қандай улкан ишларга қодир эканини қўрсатади. Шулар қаторида биз бугун Каттакўрган туманидаги «Ҳосил», Фурқат туманидаги «Ортиқали Ганиев», Учкўприк туманидаги «Фаровон ҳаёт сари», Олтириқ туманидаги «Хайрулла Баҳром Бойматов», Иштиқон туманидаги «Асалчи Элдор», Кува туманидаги «Олтин диёр», Бувайда туманидаги «Ёқубжон ота», «Ўзбекистон», Навбахор туманидаги «Очилова Инобат», Пахтаобод туманидаги «Абдулазиз», Кармана туманидаги «Амир Ғолиб келажак», «Саволтепа равнақи», Янгийўл туманидаги «Ситорасхон», Олтинкўл туманидаги «Гулгун диёр имкони», Жондор туманидаги «Мурод Рустам», Қўштепа туманидаги «Абдулҳофиз Халлов», Гиждувон туманидаги «Файз» каби фермер ҳўжалиқларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, мана шундай жонбозлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрганда, эшитганда, илгари ҳам айтган бир фикримни яна тақорлашни жоиз деб биланам: дунёда меҳнатқаш инсонлар жуда кўп, лекин оғир синовларда тобланган, ўз фидойилиги ва матонати, чидамлиги ва олижаноблиги билан ажралиб турадиган ўзбек деҳқонларига етадиган, уларга тенг келадиган одамлар кам, десам, айна ҳақиқатини айтган бўламиз.

Ана шундай инсонлар меҳнатини ҳар қанча қадрлаб, уларнинг дарду ташвишлари ва эҳтиёжларига яқин бўлиб, уларни доимо рағбатлантириб, хурсанд қилиб, рози қилиб юрсак, очик айтаман, шахсан мен ўзимни беармон, бахтли одам деб ҳис қиламан, десам, бу ҳам ҳақиқат бўлади.

Шулар ҳақида гапирганда, бу йил етиштирилган мўл ғалла ҳосилининг 5 миллион 117 минг тоннаси, яъни 60 фоизи деҳқон ва фермерларимиз, аҳолимиз иштиёрида қолдирилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хонадонларимизга қутбароқа, фаровонлик олиб кирадиган бундай қувончли ҳолатни барчамиз дала меҳнатчиларининг ўз ишидан манфаатдорлиги ортиб, машаққатли меҳнати муносиб қадр топаётганининг яна бир тасдиғи сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар!
Бугунги кунда дунё миқёсида озик-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора ўткир муаммога айланиб бораётгани, маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда ер ўзида 840 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланмаётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Мана шундай мураккаб бир вазиятда мамлакатимизда агар соҳада амалга оширилаётган, чуқур ўйланган ислохотлар ҳамда сиз, ҳурматли деҳқон ва фермерларимизнинг самарали меҳнати ҳисобидан биз халқимизни асосий озик-овқат, аввало, дон маҳсулотлари билан тўла ва ишончли тарзда таъминлашга эришганимиз халқро ҳаммаият томонидан кенг эътироф этилаётгани аиникса эътиборлидир.

Бу ҳақиқатнинг амалий ифодасини яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захираларини» мавзусидаги халқро конференцияда дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, энг ривожланган давлатлардан келган кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқро ташкилотларнинг вакиллари жойларда бўлиб, сизларнинг фаолиятингиз билан яқиндан танишиб билдирган фикрлари мисолида яққол кўриш мумкин. Конференция иштирокчиларининг фермер ҳўжалиқларини жадал ривожлантириш учун уларга давлат томонидан имтиёз ва преференциялар бериш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини кенг ўрганишга тавсия этгани албатта ҳаммамизга катта мамнуният етказди.

Айна вақтда барчамиз яхши тушунамизки, замон талаби тобора ўсиб бораётган ҳозирги шароитда фақатгина эришган ютуқлар билан чекланиб, кифоляниб қолишимиз мумкин эмас. Юртимизда ғаллачилик билан бирга бутун қишлоқ ҳўжалиги тармоғини барқарор ва изчил ривожлантириш, бу борадаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш бўйича ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифалар қўймоқда. Шулар қаторида агар соҳа самардорлигини янада ошириш, бугунги фермерларимиз бошлаган ижобий ишларни муносиб давом эттира оладиган янги фермерлар авлодини, фермер ҳўжалиқларини замонавий асосда бошқаришга қодир бўлган фермер-менеджерларни шакллантириш каби долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида туриши даркор.

Қадри ва муҳтарам дўстларим!
Бугунги шодиёна кунда сиз, азиз ғаллақорларимиз, деҳқон ва фермерларимизни чин юракдан қутлар эканмиз, улуг мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг олам аҳлининг тўқлиги ҳам, хурсандчилиги ҳам аввало ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойий инсонларнинг меҳнатидандир, деган ҳикматли сўзларини яна бир бор эслаймиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сиз, лафзи ҳалол бободоҳқонлар бунёд этган юксак ғалла хирмони — бу аввало тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, эзгу орзу-интилишларимизнинг мустаҳкам пойдевори, десак, янглишмаган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, омилкор деҳқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, қишлоқ ҳўжалиги мутахассисларини, бугунги улкан ҳосилга муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизни бағримга босиб, яна бир бор самимий табриклайман.

Сизларга ўз номидан, бутун халқимиз номидан раҳматлар айтиб, барча-барчангизга таъзим қиламан.
Эл-юртимизни, оила ва хонадонларимизни турли бало-қазолардан Яратганимизнинг ўзи асрасин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, доимо нондек азиз бўлинг, қадронларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг I ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари чиқарилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2014 йил 17 январда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2014 йил учун иқтисодий дастурнинг йўналишлари ва муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроекономик кўрсаткичлари, шунингдек, энг аввало, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган дастурлари амалга оширилишини жадаллаштириш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш ҳисобига иқтисодиётни диверсификациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолининг фаровонлигини, ҳаётий даражаси ва сифатини изчил ошириш бўйича қўриладиган чора-тадбирларнинг самардорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

фоиз миқдоридида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Ички талабни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни тубдан кўпайтириш ҳамда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишнинг давом эттириш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 13,7 фоизга ва пуллик хизматлар ҳажми — 9,7 фоизга ўсишини таъминлади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотига хизматлар соҳасининг улуши 2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари бўйича 52,4 фоиз ўрнига 52,7 фоизга ўсди.

Экспорт қилувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини рағбатлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш, олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш юзасидан қўриладиган чора-тадбирлар экспорт ҳажмларининг 8 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий салбосини таъминлаш имконини берди.

(Давоми 3-бетда.)

Фракция фаолияти



Сайлов ва сайланиш ҳуқуқи кафолатланади

Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини кафолатлаш демократиянинг асосий шартини ҳисобланади. Бусиз демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриб бўлмайди. Чунки одамлар сайлаш ва сайланишни устувор ҳуқуқ сифатида чуқур идрок этмоқда. Фуқароларнинг

ижтимоий-иқтисодий фаолиги, ислохотларга ишончи ва жипслиги кўп жиҳатдан сайлов жараёнларининг одилона ташкил қилинишига боғлиқ бўлиб қолаётир.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗДП фаоллари ва фидойилари

Эҳтиромга муносиб

Одатда сиёсий партиянинг кучи, мавқеи, нуфузи аъзоларининг салоҳияти, билими, шу партия гоёларига садоқати, фидойилиги билан ўлчанadi. Буни изоҳлаб, исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Шу маънода ЎЗДП сафларида ҳам партия гоёлари, дастурий мақсадлари учун астойдил курашувчи, эътиқоди мустаҳкам, ҳар жиҳатдан бошқаларга ўрнак бўладиган партиядошларимизнинг кўпчилиги кишини қувонтиради. Ана шундай фаоллар сирасига Мирзачўл туманилик Ҳаким Намозовни ҳам киритса бўлади.

ЎЗДП олдида турган энг устувор вазифа аҳоли бандчилигини таъминлаш ишларида фаол иштирок этишдан иборат. Бунда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий имкониятларини таҳлил этиб, иш ўринлари ташкил қилиш бўйича муқобил таклифларни тайёрлаб илгари суриш талаб этилади. ЎЗДП ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари мазкур вазифани бажаришда қатъийлик ва талабчанлик кўрсатиши зарур.

Эҳтиромга муносиб

Ҳақим ака умрининг асосий қисмини Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан узвий равишда боғлаганлардан. Партияни ташкил этиш, оёққа турғизиш, унинг сафларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ жараёнларда иштирок этган. Узоқ йиллардан бери партия Мирзақул туман кенгашига етакчилик қилиб келмоқда. Шунингдек, у туман кенгаши депутати, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.

— Ҳақим ака партиямиз фойдаларига эътиқодли, изланишдан, меҳнат қилишдан тўхтамайдиган етакчиларимиздан, — дейди **ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Мўътабар Каримова**. — Партиявий-ташкилий, маънавий-маърифий, тарбия-ташвиқот ишларимизнинг барчасида у кишини бошқаларга намуна қилиб кўрсатишга ўрганиб қолганмиз. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз, партиямиз гуруҳлари, туман Кенгашлари раислари Ҳақим акани бот-бот сўраб, излаб туришлари ҳам бежиз эмас. Чунки унинг иш фаолиятида ўрганишга, ҳавас қилишга, қўллашга арзийдиган жиҳатлар ҳамма топилди.

Бугун халқ депутатлари туман Кенгашида фаолият кўрсатаётган 22 нафар депутатнинг 13 нафарини **ЎзХДП** аъзолари ташкил этади. Мавжуд 6 та доимий комиссиянинг 4 тасига партиямиздан сайланган депутатлар раҳбарлик қилаяпти. **ЎзХДП** депутатлари ташаббус ва таклифи билан ҳар йили камид битта масала туман Кенгаши сессиясида муҳокама этилмоқда ва электорат манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилинишига эришиляпти. Сессиялар муҳокамасига масалаларни тайёрлаш, қарорлар қабул қилиш, уларнинг ижросини таъминлашда ҳам Ҳақим ака асосий ташаббускор.

— **ЎзХДП** туман кенгаши ташаббуси билан тузилган ишчи гуруҳи тумандаги 6 та кўшода врачлик пунктида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқаяпти, — дейди **Ҳақим Намозов**. — Мониторинг натижаларини аввал партия гуруҳимизда, сўнг тегишли доимий комиссияда кўриб чиқиб, учинчи чоракда туман Кенгаши сессияси муҳокамасига қўймоқчимиз. Уйлаймизки, бу ишмиз «Соғлом бола йили»да тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза этишга хизмат қилади.

Яқинда тумандаги бир гуруҳ ёшлар **ЎзХДП** аъзоларига қабул қилинди. Улар орасида «Еш сиёсатчи — 2014» кўрик-танловнинг туман bosқичи голибаси, Мирзақул агроиқтисодий касб-хўнар коллежи битирувчиси Ойгул Бурхонаева ҳам бор. У аъзолар гувоҳномадини қўлга олар экан, партияга киришдан мақсад-муддаосини, дилидаги ниятини шундай ифодалади:

ЎзХДП ФАОЛЛАРИ ВА ФИДОЙЛАРИ

! Ҳаёт ҳақида ҳар кимнинг ўз фикри бор, албатта. Аммо қандай умр кечириш одамнинг ўзига боғлиқ.

— Ҳақим ака, сиз ва сиз каби **ЎзХДП** аъзолари ҳавас қиламан. Шу ҳавас мени **ЎзХДП** сафига ўтишга ундади. Сизлардек фидойи, партия ишига содиқ аъзо бўлсам, юрт равнақи, халқ фаровонлигига ўз хиссамни қўшсам эзгу ниятларимга етган бўламан.

Дарвоқе, бугун тумандаги 21 та бошланғич ташкилот сафида 880 нафар **ЎзХДП** аъзоси бор. Улар жойларда партия гоя ва мақсадларини тарғиб этиш, сиёсий куч сифатида унинг обрўси, мавқеини ошириш учун астойдил ҳаракат қилаяпти.

— Ҳаёт ҳақида ҳар кимнинг ўз фикри бор, албатта. Аммо қандай умр кечириш одамнинг ўзига боғлиқ, — дейди Ҳақим ака. — Мен партиямиз сафида бўлиб, одамларга озгина бўлсада фойдам таъдидан хурсандман.

Ҳақим ака Намозовнинг партиямиз олдидаги кўп йиллик ҳалол, фидойи хизматлари инобатга олинди, у кишининг номи **ЎзХДП**нинг «Эҳтиром китоби»га ёзилди. Чиндан ҳам у ҳурматга, эҳтиромга муносиб.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни жорий этишдан иборат.

Бу борада «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»-ги қонунга, Бюджет кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаяпти.

Абдуманноб Раҳимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари изчил ривожланиш йўлини босиб ўтди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари эркинлаштирилиши ва модернизация қилиниши натижасида демократик талабларга жавоб берадиган замонавий сайлов тизими яратилмоқда. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари хорижий тажрибаларни ҳам инобатга олган ҳолда такомиллаштириб борилаяпти.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган гоялар сайлов қонунчилигини ривожлантиришда муҳим асос бўлди.

Марказий сайлов комиссияси мустақил иш юритади. Унинг фаолиятига давлат ҳокимияти бошқа органларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Марказий сайлов комиссияси ишига, сайлов жараёнларига аралашиб қонунни бузиш ҳисобланади. Жорий этилаётган янги тартибга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси мустақил молиявий

асосга эга бўлади. Унинг фаолияти учун давлат бюджетидан кафолатли маблағ ажратиб қўйилади. Буларнинг барчаси сайловлар адолатли ўтишига шароит яратади.

Аҳад Аҳмедов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Марказий сайлов комиссияси ваколатларини янада кенгайтириш, унинг мустақиллиги кафолатларини мустаҳкамлаш учун «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»-ги қонунга бир неча ўзгартириш ва қўшимчалар таклиф этилаяпти.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари (мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлилик) ва уларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилмоқда. Хусусан, мустақиллик принциpigа асосан Марказий сайлов комиссияси ҳар қандай давлат органи, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахслардан мустақил равишда фаолият юритади. Унинг фаолиятига аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка олиб келади. Ошкоралик принциpigа асосан Марказий сайлов комиссияси мажлислари очиқ тарзда ўтказилади, яъни уларда сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиши мумкин бўлади.

Депутатлар қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасида назарда тутилган меъёрларни муҳим, деб ҳисоблашди.

ЎзХДП фракцияси сайлов жараёнларини демократлаштиришга хизмат қилишини ҳисобга олиб, қонун лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Тўлқин Тўрақонов,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Санжар ШОҲУЛАҒАНОВ олган суратлар.

Сайлов ва сайланиш ҳуқуқи кафолатланади

ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир неча депутатлари ишлаб чиқиб, муҳокамага тақдим этди.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси Марказий сайлов комиссиясини ташкил этиш ва фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ конституциявий кафолатларни рўйбга чиқаришга қаратилган.

Қонун лойиҳасида учта асосий қонунга назарда тутиляпти. Улар **Марказий сайлов комиссияси ваколатларини янада кенгайтириш, унинг фаолияти молиялашти-**

ришининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда

Янги тартибга мувофиқ,

Марказий сайлов комиссияси мустақил молиявий асосга эга бўлади. Унинг фаолияти учун давлат бюджетидан кафолатли маблағ ажратиб қўйилади.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

ЎзХДП ҲАЁТИДАН

ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини маси ҳамкорлигида сайловларда сиёсий партия ваколатли вакили ва кузатувчиси иштирокнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мавзусига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими юқори бўлса,

сайлов юксак савияда ўтади

Унда дастлаб Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган ҳудудий бўлини маси раҳбари Зафар Худойбердиев ҳамда **ЎзХДП** вилоят кенгаши раиси Дилором Абдураҳимова сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида фикр билдирди. Шундан сўнг бўлини маси катта мутахассиси Зулхумор Аҳмедходжаева, вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Эргашали Абдуллаев ҳамда етакчи мутахассис Нигора Нуралиеваларнинг мавзу доирасидаги маърузалари тингланди.

Савол-жавоблардан сўнг семинар-тренинг иштирокчилари тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда кузатувчи, ваколатли вакил, ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда сайлов комиссиясининг сайлов жараёнидаги фаолиятига доир тақдирот ўтказди.

Семинар-тренинг якунида сайлов қонунчилиги тарғиботи бўйича **ЎзХДП** ташкилотлари томонидан жойларда ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Электорат манфаатларига қаратилган амалий ишларни янада такомиллаштириш лозим

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, фаоллар ва ёшлар иштирок этди.

Пленумда, аввало, мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига тайёргарлик кўриш ишларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилотлари ҳамда депутатлари фаол иштирокни таъминлаш масаласи кўриб чиқилди. Бу йўналишдаги тарғибот ишларида ҳаётий мисоллардан кўпроқ фойдаланиш, демократик жараёнлар аҳамиятини чуқур тушунтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, бошланғич ташкилотлар кучи ва салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, партия кенгашлари ва депутатлар ҳамкорлигини изчил кучайтириб бориш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу борадаги хато ва камчиликлар танқидий кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳининг электорат манфаатларига қаратилган ишларини яна-



да такомиллаштириш масаласи муҳокама қилинди, таклиф ва тавсиялар берилди.

Пленумда муҳокама қилинган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, навбатдан

ташқари пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. **Ҳайдар Бобоқонов ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси этиб сайланди.**

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши
Матбуот хизмати.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Партия ташкилоти ва депутат ҳамкорлиги

ташабуслар кўнайишига асос бўлади

Бугун Бухоро шаҳрида ЎзХДПнинг 3934 нафар аъзоси, 80 та бошланғич ва ҳудудий ташкилоти бор. Ўтган йиллар давомида шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан ҳудудий ривожланиш дастурларининг ижросига бағишланган қатор амалий ишлар қилинди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, партия гуруҳи йиғилишида 24 та масала кўриб чиқилди. 12 та масала доимий комиссия йиғилишида муҳокама этилди, 11 та масала халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг сессиясига олиб чиқилди. Хусусан, ўтган йили Президентимизнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада

кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»-ги қарори ижроси, «Шаҳардаги мактабгача таълим муассасалари ҳамда Меҳрибонлик уйларида олиб борилаётган ишларнинг аҳоли тўғрисида», «Вақтинча ишсиз ёшлар ҳамда коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларни касаначилик меҳнати ва оилавий таъбиркорликка жалб этиш» масалалари сессиялар кун тартибига киритилди. Айни кунда эса ҳудудий ривожланиш дастурлари юзаси-

дан мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиётини кенг йўлга қўйиш борасида иш олиб бориляпти. Жамоатчилик қабулхоналарига тушган 400 га яқин мурожаатдан 80 фоизи депутатлар ёрдамида ижобий ҳал этилди.

ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида партия кенгаши ва гуруҳининг ҳисобот давридаги фаолияти таҳлил этилар экан, ушбу амалий ишлар қайд этилди. Яхши тажрибаларни оммалаштириш бўйича таклифлар билдирилди, электорат манфаатларига қаратилган амалий ишларни янада такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

— Партия ташкилотлари ва

депутатлар ўртасида мустақам ҳамкорлик бўлса, электорат манфаатига қаратилган ташаббуслар кўпаяди, ислохотларни ҳаётга изчил татбиқ этишда партия иштироки кучаяди, — деди **ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги гуруҳи раҳбари Робия Қазимова**. — Шундан келиб чиқиб, зиммамизга юклатилган вазифаларни бажаришда партия гуруҳи билан партия ташкилотларининг алоқасини кучайтиришга эътибор қаратилди. Худудларда қонунлар ва давлат дастурлари ижросини назорат таҳлил қилиш, сессия муҳокамасига киритиш, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш бўйича амалий таклифлар тайёрлашда ҳам шаҳар партия ташкилоти партия гуруҳи билан баҳамжихат иш юритмоқда.

Конференция сўнггида шаҳар партия кенгаши фаолияти қониқарли, деб баҳоланди ва ташкилий масала кўриб чиқилди. Партия кенгаши раиси этиб Робия Қазимова қайта сайланди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Республиканинг аграр сектори тадрижий ўсиш суръатлари билан ривожланмоқда, қишлоқ жойларни ободонлаштириш, қишлоқ аҳолиси учун шинам яшаш шарт-шароитлари яратиш чора-тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари 6,9 фоизга ўсиши таъминланди. Доннинг 8 миллион тоннадан ортиқ рекорд ҳажми етиштирилди ва йиғиштириб олинди. Уй-жойлар қуриладиган янги қишлоқ массивларида 2014 йилга мўлжалланган 11000 та намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уйларнинг 4486 таси фойдаланишга топширилди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг ҳар йилги дастурини тизимли амалга ошириш туфайли жорий йил бошидан бошлаб 506,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Улардан 303,2 мингтадан ортиғи ёки 59,9 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилишни, таълим сифатини оширишни, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишни таъминлаш тадбирлари амалга оширилмоқда, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 3,1 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида вазирлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари

Давоми. Боши 1-бетда.

ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдида 2014 йил учун белги-ланган барча асосий макроик-тисодий кўрсаткичларга ҳамда республика иқтисодиёти тармоқлари ва худудларини ривожлантиришнинг қабул қилин-ган комплекс дастурлари прог-ноз параметрларига эришишни таъминлаш бўйича комплекс кўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оши-риш вазифаси кўйилди.

Мажлис кун тартибидоғи ма-салаларни муҳофаза қилиш да-вомидо Ўзбекистон Республика-си Президентини Ислам Каримов томонидан 2014 йил 17 январь-да республика Ҳукумати маж-лисида белгилаб берилган топ-шириқлар ва вазифаларга му-вофиқ ишлаб чиқилган зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли кор-хоналарни молиявий соғ-ломлаштириш бўйича «йўл хариталари»ни амалга ошириш-нинг натижадорлиги ва сама-радорлигини батафсил таҳлил қилишга асосий эътибор бе-рилди.

144 та зарар кўриб ишлаёт-ган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни мо-лиявий соғломлаштириш бўй-ича тасдиқланган «йўл харита-лари»ни фаол амалга ошириш туфайли 109 та корхонани зар-рар кўриб ишлашдан ва молия-вий нобарқарорликдан чиқариш таъминланганлиги қайд этилди. Қайта ташкил этилаётган кор-хоналарда умумий сўммаси 3,1 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатилди, шу жумладан, қарийб 118 миллион АҚШ дол-ларлик маҳсулот экспортга со-

тилди. Йирик sanoat корхона-ларида 1330 бирлик эскирган асбоб-ускуна ангилади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот танна-рини ўртача 8,9 фоизга пасай-тиришга эришилди.

Муҳокама жараёнида бир қанча компаниялар, йирик кор-хоналар ва вилоятлар ҳоким-ликлари раҳбарлари олдида айрим зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рен-табелли корхоналарни молия-вий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган тадбирлар зарур даражада ташкил этилиши ҳамда ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан назорат қилишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди. Корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китоблари ҳолатини яна-воқайлаш, уларнинг деби-торлик ва кредиторлик қарз-дорлигини тубдан қисқарти-ришга йўналтирилган кўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисида sanoat тармоқла-рини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янги-лашнинг қабул қилинган даст-турлари доирасида 2014 йил-га мўлжалланган муҳим ишга тушириш объектларини фойда-ланишга топширишни таъмин-лаш ишларининг ҳолати ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Муҳим юқори техно-логик ва замонавий объектлар ва қувватлари ишга тушири-шни тезлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини мо-дернизациялаш, техник ва техно-логик жиҳатдан янгилаш жа-раёнларини чуқурлаштириш юзасидан амалга оширилаёт-ган фаол инвестиция сиёсати ва кўрилаётган чора-тадбирлар ўзлаштирилган инвестициялар

ҳажмлари 10,8 фоизга, шу жум-ладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар — 28,8 фоизга ўсишига кўмаклашганлиги қайд этилди. Жорий йил бошидан бошлаб 2014 йил учун Инвести-ция дастурига киритилган умумий қиймати 680 миллион доллар бўлган 64 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди. 1651 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топши-рилди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхо-налар ва маҳаллий ижро эт-увчи ҳокимият органларининг эътибори янги юқори техноло-гик ишлаб чиқаришлари таш-кил этиш, корхоналарни мо-дернизациялаш, техник ва техно-логик жиҳатдан қайта жиҳоз-лаш, инфратузилма ва ижти-моий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўй-ича инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадал-лаштиришни таъминлайдиган амалий чора-тадбирлар қуриш зарурлигига қаратилди. Шу-нингдек, навбатдаги йилга Ин-вестиция дастурини ишлаб чи-қиш, уни республика худудла-рини, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ўртача муддатли комплекс дастурлар билан ўзаро боғланган таъмин-лаш юзасидан асосий масала-лар ва ташкилий чора-тадбир-лар белгиланди.

Мажлисида инвестиция иқли-ми ва ишбилармонлик муҳи-тини таъминлаштириш бўй-ича қабул қилинган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишни танқидий таҳлил қилишга жиддий эътибор бе-рилди. Ўзбекистон Республи-

ларини ҳал этишга тадбиркор-ликнинг улуғлиги жиддий ра-вишда оширишни таъминлади. Қурилган чора-тадбирлар ки-чик бизнес улуғлигини санаот-да — 27 дан 28,4 фоизга, бан-дликда — 75,8 дан 76,4 фоиз-га ўсишини таъминлади.

Қорақалпоғистон Республи-каси Вазирлар Кенгаши, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодиёт ва-зирлиги, «Давархитекттури-лиш» кўмитаси, «Ўзгеодезка-дастр» давлат кўмитаси ва Давлат рақобат кўмитаси раҳ-барларига Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг 2014 йил 2 июлдаги «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъ-ектларига сотиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғ-рисида»-ги қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат мулки объектларининг бўшаб қолаётган ер участка-лари базасида ташкил этила-диган кичик sanoat зоналари-да жойлаштиришни жадаллаш-тириш, уларда янги иш ўрин-лари яратиш бўйича инвести-ция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда янги ишлаб чи-қаришлари, хизматлар кўрса-тиш ва сервис соҳаси объект-ларини ташкил этиш юзаси-дан комплекс чора-тадбирлар қуриш топширилди.

Кун тартибидоғи масалалар бўйича республика вазирлик-лари, идоралари, хўжалик бир-лашмалари, йирик корхонала-ри ва вилоятлар ҳокимликла-рининг раҳбарлари сузга чи-қидилар. Республика Ҳукумати мажлисида киритилган маса-лаларни муҳокама қилиш яку-нлари бўйича 2014 йилда мам-лакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифала-ри амалга оширилишини суз-сиз таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қи-линди.

ЎЗА



Биоёнилғи

амалиётда қўлла-нила бошланди



Япониянинг Фудзисава шахри-да жамоат транспорти ҳисоб-лашмиш автобуслар дунёда ilk бор биоёнилғи ҳисобига ҳаракат-ланиши бошлади, дея хабар бе-ради «Новости» ахборот агент-лиги.

Эвгена деб номланган сув ўтидан олинган мазкур ёнилғи Япониянинг юк машиналари ва автобус ишлаб чиқарувчи «Isuzu» ҳамда «Euglena» компа-ниялари ҳамкорлигида амалиёт-га жорий этилди.

«Isuzu» компанияси матбуот хизматида маълум қилишлари-ча, яна 4 йилдан кейин транс-порт ҳаракатини юз фоиз био-ёнилғи ҳисобига амалга ошириш технологияси яратилди. Ҳозир-ча транспорт ҳаракатини таъмин-лаётган ёнилғида биоёнилғи улу-ши 1 фоизни ташкил этмоқда.

Жорий йилнинг июнь ойида икки компания сув ўтиридан олинган биоёнилғи ҳисобига ҳаракатланувчи двигателлар яра-тиш ва амалиётга жорий этиш-ни назарда тутувчи шартнома-ни имзолади. Мазкур шартно-мага кўра, 2018 йилда янги техно-логия яратилди ва ўшанда жамоат транспорти юз фоиз экологик тоза ёнилғи ҳисоблан-миш биоёнилғи ёрдамида ҳара-катланади.

Мустақиллик — бир калима сўз, лекин мазмун-моҳияти бир олам, қадрли бебаҳо. Истиқлол ҳақида сўз очилганда, аввало, қишлоғимиздаги ўзгаришлар кўнглимдан ўтади. Яқин ўтмиш воқеалари ёдга тушади.



ЎЗА олган сурат.

Обод кўнгиш, обод манзил манзаралари

КИМ ЭДИГУ, КИМ БЎЛДИК?

Чекка Чўнтак қишлоғидаги мослаштирилган бинода 4-синфгача ўқидик. Кейин бир неча чақирим узоққа — кўшни қишлоқдаги мактабда қатнадик. Бу мактабнинг шароити ҳам ўша замонга мос эди: кўрмисиз бино, синфхонада партадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Қишда совуқ бўларди. Мустақиллик йилларида ўша мактаб ўрнида қўшқаватли янги қоша бунёд бўлди. Бугун фарзандларимиз ёруғ, шинам, кенг синф хоналарида таҳсил олиш-япти. Ёнида замонавий спорт зал, барча шароитлар муҳайё.

Қишлоқдошларимнинг шаҳардагидан қолишмайдиган уй-жойлар қуришганини кўриб, дил-дилдан қувонаман. Иморатларнинг «Акфа» ром-эшик-лари жуда ярашган, кўрмага-кўрк қўшган. Кўрганам «шундай иморатлар қурсам», дейди.

— Илгари пишиқ гиштдан уй солишга қурбимиз етмаган, — дейди маҳалламиз мўйсифиди Тургун ҳожи Сайдалиев. — Пишиқ гишт келтирилгани юқори идорага чақириб, савол-жавоб қилишарди. Шукр, мустақиллик эзгу ниятларимизга изн берди. Пишиқ гиштдан иморатлар кўтараямиз. Қишлоғимизда бундай уйларнинг сони кундан-кунга кўпайиб бора-япти.

— Бир неча оила бир ҳовлида қисиниб яшардик, — дея сўзбатга қўшилди муаллим Мўйдинжон Мўминов. — Бир бўйра жой олиш амримаҳол

бўлганини биламиз. Мамлакатимиз мустақилликка эришган-дан сўнг бизга ҳам ер теғди, ўғлим Маҳмуджонга маҳалла-дошларим қаторида уй қурдик. Оқиллик билан муаммони ҳал этган Президентимиздан миннатдоримиз. Ёш оилаларни ва-тани, уйли-жойли қилди.

— Қишлоғимиздаги ҳамма энгил автомобилларни бир жойга йиғсак, катта автовпарк жамланади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азимжон Бойматов. — Ҳар уч хонадоннинг бирда ўзимизнинг «учар тулпор»ларимиз бор. Бу — ёруғ кунлар шаро-фати. Бу — фаровонлик, тўкин-лик белгиси...

— Қишлоқ мулкдори бўлганимдан фахрланаман, — дейди Фермер Норбек Туғунов. — Ҳар уч хонадоннинг бирда ўзимизнинг «учар тулпор»ларимиз бор. Бу — ёруғ кунлар шаро-фати. Бу — фаровонлик, тўкин-лик белгиси...

— Қишлоқ мулкдори бўлганимдан фахрланаман, — дейди Фермер Норбек Туғунов. — Ҳар уч хонадоннинг бирда ўзимизнинг «учар тулпор»ларимиз бор. Бу — ёруғ кунлар шаро-фати. Бу — фаровонлик, тўкин-лик белгиси...

Қишлоғимизда илм олишга иш-тиқманд ёшларнинг саноғи йўқ. Оддий деҳқон Қодирали Шамсут-диновнинг институтни битирган ўғли илмий изланишлар билан банд. У катта олим бўлмоқчи. Ик-тиролар қилиб, одамларга фой-

Пишиқ гиштдан иморатлар кўтараямиз. Қишлоғимизда бундай уйларнинг сони кундан-кунга кўпайиб бора-япти.

да келтирсам дейди.

— Мустақиллик шарофати билан ёруғликка чиқдик, — дейди Ғулом ҳожи Ганиев. — Биз ўзлгимизни англадик, миллий, диний қадриятларимиз ҳаётга қайтди. Сумалак пиширганлар қозони ағдариб ташланган, отаси ёки онаси вафот этган-да жаноза ўқитганлар жазолан-ган замонларни кўрдик. Минг йиллик байрамимиз — Нав-рўзни қўрув билан яширинча ўтказган пайтларимиз бўлди...

Мустақилликнинг неъматлари туганмас. Бугун ҳар бир қиш-лоқдаги ободончиликни кўриб дил яйрайди. Ким билан гап-лашманг, қувонч билан ўзга-ришлардан сўзлайди. «Ғона-сан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатини сенга бахшида, гўзал Ўзбекистони!» барчанинг кўнгли ширрига айланган...

Аҳмадилло СОЛИБ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека бан-ки ўз салоҳияти ва тажрибаси орқали миқозлар би-лан ишлаш ва мамлакатимиз иқтисодиётини юксал-тириш борасида муайян самарадорликка эришмоқ-да. Жорий йилнинг олти ойи давомида банкнинг ус-тав капитали 138,3 миллиард сўмни, умумий капи-тали 266,3 миллиард сўмни ташкил этгани бунга яққол мисол бўла олади. Шу билан бирга, банк де-позит базаси 1778,2 миллиард сўмга етди.

Ҳозирги кунда мазкур мо-лия муассасасининг 37 та филиали, 115 та минибан-ки, 500 дан ортиқ жама-га кассалари аҳоли ва хўжалик юритувчи миқоз-ларга хизмат кўрсатмоқда. Бу тузилмада меҳнат қила-ётган жамоанинг саъй-ҳаракати туфайли банкнинг кредит портфели йил бўйи-даги нисбатан 240,2 миллиард сўмга ортиб, 2168,1 миллиард сўмни ташкил этди.

2008 йилдан бошлаб «Ипотека-банк» халқаро тан олинган рейтинг агентлик-ларининг истиқболи «Бар-қарор» рейтингларига эга бўлиб келмоқда. Жумладан, 2014 йил 26 май куни «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлиги «Ипо-тека-банк»нинг «В+/В» рей-тингини ҳамда 2014 йил 28 май куни «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги «B2» рейтингини тасдиқлади.

Ушбу рейтинглар банк то-монидан корпоратив бош-қаруви такомиллаштириш, капиталлашув даражасини ошириш, ресурслар база-сини мустаҳкамлаш, актив-лар сифатини яхшилаш, кўрсатилмаётган хизматлар кўламини кенгайтириш бо-расида амалга оширилган ижобий ишларни акс этти-ради.

«Ипотека-банк» томони-дан кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорликни ҳар то-монлама қўллаб-қувват-лашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Чун-ончи, бугунги кунда молия муассасаси 67 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорлик субъ-ектларига турли хилдаги банк хизматларини кўрсат-

Сармоялар аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда

Шунингдек, оилавий тадбир-корликни ривож-лантириш учун 4,6 млн. сўм, касб-хунар кол-лежлари бити-рувчиларига эса 7,5 млрд. сўм микрокредитлар йўналтирилди.

Таъкидлаш жо-изки, мамлакатимизда истиқлол йилларида инсон манфаати, унинг фаровон турмуш кечирилиши таъ-минлаш бораси-да амалга оши-рилаётган исло-хотлар кўлами ниҳоятда кенг. Қишлоқ ва ша-ҳарларда замонавий турар-жойлар қурилишини ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар учун йўналтирилди. Берил-ган жами истеъмол кредит-ларининг салмоғи ўтган йилнинг мазкур даврига нисбатан 3,3 млрд. сўм кўбиди.

Аҳоли ўзимизда ишлаб чиқарилаётган телевизор, кондиционер, совитич, газ плитаси каби маҳсулотларни кулай шартларда банк-нинг истеъмол кредитлари орқали сотиб олмақда. Бу билан корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларини тезроқ сотиб, айланма маб-лағларини тиклаб олмақда, аҳолининг ҳам замонавий маиший техникага бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда ва турмуш фаровонлиги ош-моқда.

Мухтасар айтганда, «Ипо-тека-банк» сармоялари мамлакатимиз иқтисодиё-тини юксалтиришга ва аҳоли фаровонлигига хиз-мат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Шунингдек, утган давр мо-байнида кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорлик субъ-ектларига 5,4 млрд. сўмлик микрокредитлар ҳам ажра-тилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисба-тан 1,4 баробар ошган.

Иқтисодиётимиз ривож-и, мамлакатимиз равнақи йўлида жонбозлик кўрсата-ётган тадбиркор аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қув-ватлаб, уларга молиявий қўллаб-қувватлаш мақсади-да бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йил биринчи ярми-да тадбиркор аёлларга банк томонидан жами 43,5 млрд. сўм миқдориде кре-дитлар ажратилди.

«Ипотека-банк» ёш оила-ларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсади-да салкам юзта ёш оилага ўз бизнесларини бошлаш учун жами 5,9 млрд. сўм миқдориде микрокредит-лар ажратди. Бу эса мус-тақил ҳаётга энди қадам ташлаётган оилаларнинг жамиятда ўз ўрнини топи-шига, юрт иқтисодиёти рив-ожига бевоқиф ва билво-сита хисса қўшишига, ал-батта, туртки бўлмоқда.

Хизматлар лицензияланган.



«O'rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidadagi roli va ahamiyati»
XALQARO KONFERENSIYASI

Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши



Спорт
Равшан ЭРМАТОВ
ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

Кеча тонгда таникли ҳакам, ФИФА рефериси Равшан Эрматов ҳамда ФИФА лэйсмени Абдухамидулло Расуловлар Бразилияда ўтказилган XX жаҳон чемпионати-дан юртимизга қайтиб келди.



— Мусобақада биз тўрта, жаҳон чемпионатларида жами тўққизта ўйинни бошқаришга муваффақ бўлдик, — деди Равшан Эрматов журналистларга берган интервьюсида. — Ҳеч бир учрашув осон кечгани йўқ. Майдонга тушар эканмиз, аввало, бутун халқимиз бизни қўллаб турганини ҳис этиб турдик. Жаҳонда ўзбекистон футболнинг обрўсини кўтариш учун ҳаракат қилдик. Финал баҳсида ҳам кўпчилик бизнинг қижимизни кутган эди. Бунни биллиб турардик. Бироқ вазият ўзгариб қолди. Лекин бу нарса кайфиятимизга асло салбий таъсир қилгани йўқ. Аксинча, ўз устимизда янада кўпроқ ишлаган ва навбатдаги нуфузли мусобақаларда ҳам муносиб фаолият кўрсатишга ундайди.

— Бразилияда ўтказилган мусобақа мен учун биринчи жаҳон чемпионати саналади, — дейди Абдухамидулло Расулов. — Бундан тўрт йил аввал Жанубий Африка Республикасида ўтган жаҳон чемпионатида ҳакамларимиз ўзларининг юксак савиядаги фаолиятлари билан дунё футбол иқтисодларининг тилига тўшган эди. Бу сафар Бразилия яшил майдонларида биз ана шу эътиборга муносиб бўлишга интилдик. Жаҳон чемпионати жуда катта таъриҳи мактаби бўлди. Бизни қўллаб-қувватлаб турган барча инсонларга ўз миннатдорлигимизни билдираман.

Тошкент халқаро аэропортида футбол бўйича ўтказилган XX жаҳон чемпионатида ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳамюртларимиз оила аъзолари, футбол жамоатчилиги, журналистлар ва мухлислар томонидан тантанали кутиб олинди.

Эркин ХОЛБОВО
Ҳасан ПИРМУҲАММЕДОВ
олган сурат.

ОБ-ҲАВО	17-18 — 07. 2014
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+15 / +20	+30 / +35
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+18 / +23	+33 / +38
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+15 / +20	+32 / +37
Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+18 / +23	+34 / +39
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+15 / +20	+32 / +37
Тошкент шаҳри	
+15 / +17	+32 / +34
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+28 / +30
Париж	+29 / +30
Москва	+29 / +26
Мадрид	+36 / +35
Пекин	+33 / +36
Канберра	+11 / +12
Рим	+31 / +32
Афина	+30 / +29
Токио	+27 / +26
Стокгольм	+16 / +16
Кейптаун	+38 / +38
Қоҳира	+31 / +32
Гавана	+28 / +29
Вашингтон	+28 / +29

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши Қизилтепа туман партия кенгаши раиси Фазлиддин Темурова онаси **Ҳосият ТЕМИРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ЭЪТИРОФ

Жорий йилнинг 15-16 май кунлари Самарқандда «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг зamonaviy цивилизация ривожидagi роли ва ахамияти» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда америкалик машҳур профессор, Ўзбекистон ҳақида кўплаб мақола ва китоблар ёзган — Фредерик Старр ҳам бор эди.

Президентимиз халқаро конференциядаги маърузасида «Бугунги анжуманимизнинг яна бир қатнашчиси — таникли америкалик тарихчи, археолог, антрополог, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, 22 та китоб ва 200 дан ортиқ илмий мақола муаллифи — профессор Фредерик Старр жано-ларидир. Унинг 2009 йилда «Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши» деб ном олган эссеси АКШ оммавий ахборот воситаларида чоп этилган йилнинг энг яхши материалли сифатида эътироф этилган», дея таъкидлаган эди.

Марказий Осиё

«Тиб қонунлари» китоби билан дунё медицинаси ривожига бекиёс ҳисса қўшган, фарбда Авиценна номи билан донги кетган аллома Ибн Сино ҳам Ўзбекистон фарзанди.

Фредерик Старрнинг юртимиз ўтмиши ва бугунги тараққиётига бағишланган «Американи ким кашф қил-

ган?» (History today журна-ли, 2013 йил 12-сон), «Мар-казий Осиёнинг кашф эти-лиши» (Wilson Quarterly жур-нали, 2009) сарлавҳали ма-қолалари халқаро миқёсда эътироф этилган. Унинг «Фарғона водийси — Мар-казий Осиё юраги» (Sharpe, M. E. Inc., 2011) китобида жаҳон илм-фанида ўчмас из қолдирган аждодларимиз ҳақида ҳикоя қилинган. Олимнинг яна бир асари «Янги Ипак йўллари» Мар-казий Осиё мамлакатлари иқтисодий тизими ва бунёд-корлик ишларига бағишлан-ган. Унинг «Унутилган маъ-рифат: Марказий Осиёнинг араб истилосидан Амир Те-мурғача бўлган олтин дав-ри» (Prston University Press, 2013) китоби ўша даврдаги

минтақамиз тараққиёти ҳақида баён қилувчи қим-матли манба ҳисобланади. 2014 йил-нинг 26 фев-ралда «New York Times» газетасида Фредерик Старрнинг

«Ҳақиқий ИслоМ Марказий Осиёда» номли мақоласи чоп этилди. Уни Шухрат Сатторов ўзбек тилига тар-

жима қилган. Биз ушбу ма-териални бироз қисқарти-рилган ҳолда эътиборингиз-га ҳавола этаймиз.

«Бағрикенг ва олижаноб ислом шунчаки ҳаёлий та-саввур эмас. Буни англаш учун, аввало, дин ва турмуш тарзи, жамият ўртасидаги қарашларни меъёрида шакллантирилган мамла-катлар — Марказий Осиё-нинг Буюк ипак йўлида жой-лашган қадим ўтмишга эга янги давлатлари таърибаси-ни ўрганиш лозим.

Дунёнинг турли ҳудудла-рида ижтимоий ва сиёсий таъғирлар, зўравонлик давом этаётган бир пайтда, жаҳон ҳамжамияти аҳолисининг аксарият қисми мусулмон бўлган Ўзбекистонда дун-ёвий мамлакат, қонун усту-вор бўлган ҳукуматни жорий қилиш, эркин бозор иқтисо-диётини ривожлантириш бо-расида амалий натижалар-га эришилганга гувоҳ бўлмоқда.

Бугун мазкур ҳудудлар-даги тинч ва осойишта, бар-қарор ҳаёт уларнинг тўғри йўлда эканини, вақти келиб юксак тараққиёт даражаси-га етишни, ушбу мамлакат-ларнинг тинчлигини араси, диний бағрикенглик бо-расидаги қарашлари ақидавий зиддиятлар ўчоғида яшаёт-ган мамлакатлар учун наму-на бўлиб хизмат қилишни тан олиш керак. Бутунжаҳон диний бағрикенглик та-моийлини яратишда мазкур давлатлар таърибасидан фойдаланиш фурсати етди.

Минг йиллар мобайнида тараққиётга мезбонлик қил-ган Марказий Осиё минта-қаси Ўрта Шарқ, Европа, Хин-дистон ва Хитой мамлакат-ларининг гўзал маданияти гу-ташган, савдо-сотик тизими бирлашган марказ вази-фаси-

ни ўтади. Буюк ипак йўлида жойлашган ҳеч бир миллат Марказий Осиё халқлари каби оламшумул гоёлар, кашфиётларни ўрганиб, юк-сак даражада такомиллаш-тирмаган ва ишлаб чиқариш технологияларининг сўнгги ютуқларини турмуш тарзла-рига таъбиқ қилмаган.

Аслида, Ўрта Шарқ эмас, айнан Марказий Осиё Мусул-мон дунёсининг илм-маъри-фат ва сиёсий пойтахти бўлиб келган. ИслоМда Куръони Каримдан кейинги муқаддас манба ҳисобланган «Мухам-мад пайғамбар ҳадислари» китобининг муаллифи ҳам ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди — Бухоро вилоятидан етишиб чиққан, ҳадис илмининг султ-они дея эътироф этилган ал-лома Имом Исмоил ал-Бухо-рийдир.

ИслоМнинг мустаҳкам пойдевори — тасаввуф та-риқати ҳам юксак чўққига айнан Ўзбекистонда кўта-рилди. Шунингдек, бутун ИслоМ дунёсига ёйилди. Фарблик файласуф Фома Аквинский томонидан эъти-роф этилган Имом Фаззолий ҳам бугунги Туркманистон ва Афғонистон чегарасида-ги Тус шаҳридан бўлган.

Тўғри, бу мутафаккирлар араб тилида ёзиб, ижод қилган. Бироқ, ҳақиқат шунки, гарчи араб тили ўз замони-да илм-маърифат ривожига хизмат қилган бўлса-да, ас-лида уларнинг муаллифла-ри араблар эмас. Инглиз ти-

лида ёзган япон инглиз бўла олмаганидек, биз араб деб ҳисоблаган, мусулмон дунё-си юксалишида муҳим ўрин тутган бу илм-фан даҳола-ри ҳам аслида Марказий Осиёда истиқомат қилган туркий халқларнинг фар-зандларидир.

Буюк ипак йўлининг минг йиллик ворислари ҳисоб-ланмиш бу халқлар ўзлари-нинг муносиб хатти-ҳара-катлари билан буюк ўтмиш-ларига монанд бўлишга ин-тилишмоқда. Шунингдек, Марказий Осиё мамлакат-лари иқтисодий ўсиш бил-ан бир қаторда, жамиятда демократия, очиқлик-ошқо-ралик тушунчаларини ри-вожлантиришга ҳам эъти-бор қаратишмоқда. Улар барпо этаётган жамиятлар-да тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлиб, эътиқод эр-кинлиги ҳамда диний бағ-рикенглик, миллатлар ўрта-сидаги муносабатларда кўпгина мамлакатлардан юқори туришади.

Марказий Осиё мамлакат-ларининг минглаб ёшлари хорихда таҳсил олиб қай-тишмоқда. Улар ўз кучи ва меҳнати эвазига жаҳон стан-дартларига мос олий ўқув юрталарини бунёд қилишмоқ-да. Бу мамлакатларда ўсиб-улайиб келаётганлар овоз юрт фуқаролари эканликла-ридан ғурурланишади.

Фарбагилар қачондир қа-рор топишига умид қилаёт-ган умуминсоний исломий қарашлар, диний бағрикен-глик жаҳон учун нотамий эмас, уларга Марказий Осиё давлатларидаги осой-ишта ҳаётни мисол қилиб келтириш керак».

«Ўзбекистон овози» мухбири **Темур АБЗАМ** таяёрлади.

«Vuxoro Global Realtor» МЧЖ Бухоро вилоят филиали барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилоят, Жондор тумани ҳокимининг 2014 йил 29 апрелда-ги 366, 367-сонли ҳамда 2014 йил 29 майдаги 431, 432, 434-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга куйидаги ер участкаларининг до-имий фойдаланиш ҳуқуқи танлов-га куйилмоқда:

1. Мини-футбол майдончаси ва ёпиқ спорт зал биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор туман, Пўлоти ҚФЙ Работиёулло аҳоли пункти ҳудудида жойлашган 1 та, 1500,0 кв.метр ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 620 010 сўм.
2. Мини-футбол майдончаси қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор туман, Охшиқ ҚФЙ, Охшиқ аҳоли пункти ҳуду-дида жойлашган 1 та, 3000,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 240 020 сўм.
3. Савдо ва маъшиий хизмат кўрсати-ти биноси қуриш учун Бухоро вило-яти, Жондор туман, Далмун ҚФЙ, Жа-мият аҳоли пункти ҳудудида жойлаш-ган 1 та, 300,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участ-касига бўлган ҳуқуқнинг минимал қий-мати — 124 002 сўм.
4. Автобекат ва маъшиий хизмат кўрсати-ти биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Жондор туман Пўлоти ҚФЙ, Янгиобод аҳоли пункти ҳудудида жой-лашган 1 та, 80,0 кв.м. ер участкаси-нинг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 33 067,20 сўм.
5. Бухоро вилояти, Жондор туман, Атели ҚФЙ, Атели аҳоли пункти ҳуду-дидан:
 - 5.1 Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари омбори қуриш учун ажратилган 1 та 225,0 кв.метрдан иборат ер участ-касининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 93 001,50 сўм.
 - 5.2 Автомобилларни жорий таъмир-

лаш устакхона биноси қуриш учун аж-ратилган 1 та 135,0 кв.метрдан ибор-рат ер участкасининг доимий фойда-ланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 55 800,90 сўм.

5.3 Пайвандлаш цехи қуриш учун аж-ратилган 1 та 135,0 кв.метрдан ибор-рат ер участкасининг доимий фойда-ланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 55 800,90 сўм.

5.4 Камера ямаш цехи қуриш учун аж-ратилган 1 та 135,0 кв.метрдан ибор-рат ер участкасининг доимий фойда-ланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 55 800,90 сўм.

5.5 Автомобилларни ювиш цехи қуриш учун ажратилган 1 та 135,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участ-касига бўлган ҳуқуқнинг минимал қий-мати — 55 800,90 сўм.

5.6 Дурадгорлик устакхонаси қуриш учун ажратилган 1 та 150,0 кв.метр-дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 62 001,0 сўм.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баро-барли микдордаги ҳақ эвазига олади. Талабгорлар буюртманома билан бирга куйидаги ҳужжатларни икки ну-схада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйха-тидан ўтказилганлик тўғрисидаги гу-воҳнома нусхаси, ваколатли вақил-нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шах-слар давлат рўйхатидан ўтказилган-лиги тўғрисидаги гувоҳнома нусха-си), ваколатли вақил қатнашган тақ-дирда шахсини тасдиқлайдиган ҳуж-жатнинг нусхаси, белгиланган тар-тибда расмийлаштирилган ишончно-ма; — танлов ташкилотчисига зака-лат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха; — танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ ту-зилиб, муҳрланган конвертларга жой-лаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг бар-ча varaқлари талабгорнинг имзоси, агар талабор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Бу-хоро вилояти, Бухоро шаҳри, Муста-қиллик кўчаси, 10-уй.
Тел: (+99893) 960-69-00, Факс: (+99865 221 54 43) www.bgr.gluз Лицензия RL 0171.

Қарор ва ижро



Маданият ва дам олиш марказлари халқимиз турмуш фаровонлигига хизмат қилади

Юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга ўзгариб, тобора обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Қишлоқ жойларда аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш, мазмунли дам олишни ташкил этиш ҳамда ҳамюртларимизга юқори савияда маданий хизмат кўрсатиш мақсадида дам олиш масканлари, маданият мар-казлари, истироҳат боғлари, спорт ин-шоотлари қад ростламоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июнда қабул қилинган «2013-2018 йил-ларда зamonaviy маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига муво-фиқ 2013-2018 йиллар давомида мамла-катимиздаги маданият уйи ва клублар не-ғизда 894 маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ташкил этилиб, уларнинг мод-дий-техник базаси тўлиқ янгиланади ва зamonaviy қиёфа касб этади, хизмат тур-лари кўпаяди.

Шунингдек, янги ташкил этилаётган мар-казларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, рағбатлантириш ва уларнинг ютуқларини тарғиб қилиш мақсадида мунтазам равиш-да фото ва амалий санъат кўргазмалари, танловлар, халқ ижодиёти ва томоша санъ-ати фестиваллари ўтказилади.

Шундай марказлардан навбатдагиси кунги кеча Кегейли ва Беруний туманла-рида очилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ҳамкорликда Мустақиллигимизнинг 23

йиллигини муносиб нишонлаш мақсади-да «Ягонасан, муқаддас Ватаним, сев-ги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним» широри остида ташкил этилган мазкур маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг тантанали очилиш маросими кўтаринки руҳда ўтди.

Таъкидлаш жоизки, Кегейли тумани зamonaviy маданият ва аҳоли дам олиш марказида 5 тўғарак ташкил этилган. Ду-торчилар, ракс, драма, бичиш-тиқиш, во-кал инструментал ансамбль тўғараклари, «Жайхун» вокал инструментал халқ ансам-бли, «Жилва» ашула ва ракс халқ ансам-бли, «Халқ» театрига жами 220 нафар иш-тирокчи жалб қилинган. 34 миң аҳолига хизмат кўрсатадиган мазкур марказ қу-рилишига қарийб 571 млн. сўм маблағ сарф-ланди.

Беруний туманидаги Махтумқули но-ми зamonaviy маданият ва аҳоли дам олиш марказида рубоб, доира, бичиш-тиқиш, драма тўғараклари, тасвирий санъ-ат студияси, дуторчи қизлар ансамбли, ашула ва ракс ансамбли жамоалари фа-олият кўрсатади.

Янги марказлар, аҳолининг тобора ўсиб бораётган маданий ақтиёжларини конди-ришга, ёшларнинг иқтидорли, лаёқати ва қизиқишларини тўғри йўналтиришга, хал-қимиз турмуш даражасини янада юксал-тиришга хизмат қилади.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
Мнажратдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiда chop etiladi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 760
11713
nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 23.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Abdusalam MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon BUKIROV,
Zafar TANG'ATOV

